

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий бобомиз айтганидек, одамларнинг дардига дармон бўлиши – инсонийликнинг олий намунаси эканини унутмаслигимиз, бундай эзгу иш услуби бизнинг нафақат хизмат вазифамиз, виждоний бурчимизга айланиши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Кун нафаси

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Япония ташқи ишлар вазири Ёсимаса Хаясини қабул қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 апрель кун иқтибосидан аҳолининг иқтисодий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев 29 апрель кун Самарқанд шаҳрида транспорт тизимини ривожлантириш бўйича режалар тақдироти билан танишди.

28-29 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.



29 апрель кун Ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги фақулдада ва мухтор элчиси Юсуф ал-Утайбийни қабул қилди.



Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов раҳбарлигида Ўзбекистоннинг Венгрия, Қирғизистон ва Тожикистон билан инвестициявий, савдо-иқтисодий ҳамкорлиги масаласи, алоқани янада фаоллаштириш билан боғлиқ амалий чоралар муҳокамасига бағишланган видеоконференция йиғилиши бўлиб ўтди.



Тошкент шаҳридаги Марказий Осиё халқаро институтида Япония ташқи савдонинг ривожлантириш ташкилоти (JETRO)нинг мамлакатимиздаги офиси раҳбари Зюн Такахаси билан учрашув ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлаш, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтириб, фашизмга қарши жангларда, меҳнат фронтда жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.
2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.
4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 29 апрель



СУРАТДА: Самарқанд тумани «Саховат» маҳалласида истиқомат қилаётган 98 ёшли отахон Аҳад бобо Очилов эвараси билан. Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.



Самарқанд вилояти

Ижод ва рағбат

«БИЗ КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИМИЗ»

Самарқанд давлат университетида «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз» шиори остида эсселар танлови бўлиб ўтди.

Тадбирда Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Беделов танловнинг мазмун-моҳияти, шартлари ва қўзланаётган мақсадлар тўғрисида муфассал тушунчалар берди. Танловнинг илк кунда университетнинг ўзбек филологияси ҳамда физика факультетлари талабалари «Биз келажак бунёдкорларимиз» мавзусидаги эсселарини ҳакамлар ҳайъатига топширишди.



– Тўрт босқичдан иборат танлов битта йўналиш билангина кифояланиб қолмаган, – дейди университет қасаба уюшма кўмитаси раиси Шавкат Маҳматмуродов. – Талаба ёшлар ҳар бир босқичда янгидан-янги мавзуларда ўзларини синаб кўришди. Олий таълим муассасалари ўртасидаги баҳсда «Янги Ўзбекистон – янги мақсадлар», ҳудудий босқичда «Янги Ўзбекистон менинг тасаввуримда», ҳал қилувчи республика босқичида эса «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз» мавзуларида ўз иқтидорларини намойён этишди.

– Мазкур танловда вилоятдаги 13 та олий таълим муассасасида таҳсил олаётган 20 минг нафардан ортиқ талаба ўз истеъдодини синовдан ўтказишга қарор қилган, – дейди тармоқ қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимов.

Талабаларнинг ижодий ишлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан муфассал ўрганилиб, баҳоланмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайити байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 65 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 2 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 39 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 6 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 18 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 1 нафарини чет эл фуқароси, 3 нафарини аёл, 3 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда 3 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Диққат, танлов!

ЭССЕЛАР ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда республикамиздаги олий таълим муассасалари бакалавр таълим йўналиши талабалари ўртасида «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!» шиори остида республика эсселар танловини эълон қилади!

Танлов 4 босқичда:
1 – Факультет босқичи;
2 – ОТМ босқичи (факультетлараро)
3 – Ҳудудий босқич (ҳудуддаги ОТМ лар ўртасида);
4 – Якуний финал республика миқёсида ўтказилади.

Танловнинг республика босқичи фойдаларини тақдирлаш:
● 1-ўрин учун – 30 миллион сўм;
● 2-ўрин учун – 20 миллион сўм;
● 3-ўрин учун – 10 миллион сўм миқдорда пул мукофотлари берилади.
Бундан ташқари, республика босқичи иштирокчиларининг барчаси замонавий ноутбук билан тақдирланади.



Мулоқот

Тадбир

Бехатар фаолиятга даъват



Ҳозир тилга олмоқчи бўлганимиз мавзу долзарблиги ва мазмун-моҳиятан ҳаётбахш омилларни ўзида мужассам этгани боис ҳам ўта аҳамиятлидир. Зеро, барқарор фаолият ва эмин-эркин турмуш тарзида уйғунликка эришилган ҳоллардагина инсон кўнгил хотиржамликда умргузалонлик қилиши мумкин. Ўзбекистон касабаси Федерацияси Меҳнатни муҳофазаси бўлими мудири Нодира Ғойибназарова билан мулоқотимиз асноси соҳага оид масалаларни қамраб олишга ҳаракат қилдик.

– Ҳеч бир мулоқотда айтаётганимизнинг Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазаси қилиш кунини мамлакатимизда ҳар қачонгидан кўра кенг нишонланди. Бунинг барча ҳудудларда ўтказилган тадбирлар ҳам тасдиқлаб турибди.

– «Меҳнат муҳофазасининг ижобий маданиятини шакллантирамиз» – бу ташкил этилган тадбирларнинг бош шiori бўлиб, у Ўзбекистон касабаси Федерацияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, тармоқ касабаси уюшмалари Республика кенгашлари, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ходимлари касабаси уюшмасы кенгаши, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари бирлашмалари кенгаши, шунингдек, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда 22-29 апрель кунлари ўтказилди.

Нега бир ҳафта, нега белгилаб қўйилган сананинг ўзидagina эмас? Бу, авваламбор мавзу доирасининг кўлами ва албатта, нечоғлик аҳамиятга молик экани билан изоҳланади. Шу тариқа меҳнат муҳофазаси, бу – йилда бир эслаб қўйи-

ладиган масала эмаслиги барча-барчанинг эътиборини тортишга, меҳнат фаолияти асносида юз берган ва юз бериши эҳтимоли бор ҳодисалар ва меҳнат вази-фаларини бажариш билан бевосита боғлиқ бошқа хил зарарланишлар олдини олишга иш берувчилар ва ходимлар эътиборини янада кучайтириш, меҳнатга оид норматив ҳужжатларга амал қилиниши устидан жамоат назоратининг олиб борилишида ижтимоий шериклини мустақамлаб, мавжуд муаммоларни атроф-лича ўрганган ҳолда уларга тегишлилиги бўйича ечим топишга ҳаракат қилинди.

Кези келганда, ХМТ Меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (АСТРАВ)нинг Европа ва Марказий Осиё сектори мудири Сергеус Гловацкас иштирокида Самарқанд шаҳрида Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари касабаси уюшмалари учун минтақавий семинар ташкил этилганига ҳам эътиборингизни қаратишни истардим.

– Халқаро меҳнат ташкилотини маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 300 миллиондан зиёд бахтсиз ҳодиса, 160 миллион атрофда касб касалликлари рўйхатга олинди, ишлаб чиқариш би-

лани боғлиқ ва касб касалликлари сабабли 2 миллион 780 минг аёл ва эркек, ҳар кунни ўртача 6 минг 500, ҳар сонияда бир нафар одам ҳаёт билан хайрлашаётми...

– Кўнгилни хира қиладиган бу каби рақамларни санаганда яна давом этиш мумкин. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва касб касалликлари оқибатида кўрилган зарар, яъни жаҳон иқтисодиётидаги ялпи ички маҳсулотнинг 4 фоиз микдорда йўқотилиши, ечимини кутаётган муаммо қанчалар чуқур илдиз отиб кетганлиги такрор ва такрор муҳофазат юриштига чорлайди кишини.

Мана, ўзимиздан қиёс. Касабаси уюшмаларига аъзо корхона, ташкилот ва муассасаларда 2021 йилда аниқланган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар жами 203 тани (2020 йилда 218 та) ташкил этган, улардан 59 таси (2020 йилда – 48 та) ўлим билан тугаган.

Қайд этилган ҳар бир кўнгилсизлик оқибатида яна ўнлаб ва балки юзлаб одамларнинг дили вайрон бўлаётгани-чи?

Айнан шунинг учун ҳам Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазаси қилиш кунига бағишланган тадбирлар мазмун-мундарижасига

жиддий ёндашилди.

Уйлайманки, улар каттаю кичикини меҳнатни муҳофазаси қилиш соҳасидаги давлат сийсатидан хабардор этибгина қолмай, меҳнатни муҳофазаси қилиш тизими, меҳнат шaroитларининг яхшила-нишига қаратилган ишлар билан яқиндан танишишларига ҳам хизмат қилди.

– Хулоса чиқариш, албатта, ўзимизга ҳавола. «Савоб ишни ҳар қим, ҳар кун қилиши керак», деган даъватдан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, ҳар қандай масалада, айниқса, тилга олиб ўтганимиз ижтимоий-иқтисодий масалада лоқайдлик қилишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Ўқиб-ўргангиларимиз, авваламбор ўзимизга фойда, қолаверса бошқаларга ҳам. Ахир «чиллак чиллакни кўриб, чумак уради», деган гап бор-ку. Меҳнат унумдорлиги ва хавфсизлигининг ўсиши – ҳар бир ташкилот ва муассасанинг рақобатбардорлигини таъминлайди-да, ахир. Шундай эмасми?

– Мамлакатимизда меҳнат шaroитларини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқилгани ва дастур доирасида ижтимоий шерикликда мақсадли ўрганишлар

ва касабаси уюшмаларининг жамоатчилик назорати ўтказилаётгани, меҳнат муҳофазаси бўйича назорат-профилактика ишлари, хотин-қизларнинг меҳнат шaroитлари, бахтсиз ҳодисалар ҳақида ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишлари, белгиланган зарар тўловлари ва зарар тўловларидан мавжуд бўлган қарздорлик, ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтказилаётгани, иш ўринларининг меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатланиш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ҳолати мониторинги тизими йўлга қўйилгани, эътироф этиш жоизки, бугун ўз самарасини берапти.

Ютуқлар ўзимизники. Зеро, мавжуд нуқсон – камчиликларнинг барҳам топи-шини жадаллаштириш ҳам, албатта, ўзимизга боғлиқ.

Хавфсизлик аввало устувор ғоя, Осиёда меҳнатда бир пиллапо. Ҳеч қандай унсурлар солмайди соя, Ундан уриб турар тинчлик нафаси, Ҳар соҳада меҳнат муҳофазаси...

Истақ шуки, шоир Аъзам Зиё шеърига Улуғбек Аманов басталаган, тадбирларига мизда Севара Маҳкамова ва Саҳобиддин Юнусалиев ижросида янграётган «Меҳнат мадҳияси» ҳар биримизда бетакрор ҳаётга иштиёқ уйғотиш баробарида сергаклик ва огоҳликка даъват этсин.

Сўхбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ, «ISHONCH»

«Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўриқ-танлови»нинг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди. Унда «Энг яхши ташкилот», «Энг яхши касабаси уюшма қўмитаси», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил», «Энг яхши ёш мутахассис» номинациялари ғолиблари тақдирланди.

МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК



Тадбирни Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси Муроджон Носиров очиб, ўта қизиқарли ўтган жараён ҳақида атроф-лича сўз юритди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Мухтор Ҳожи-матов ва Атаҳам Назиркулов кўриқ-танловнинг мазмун-моҳиятан муҳим аҳамиятга эгаллиги юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиришди.

«Худудга Тошкент» газ таъминоти филиали корхонаси ва бошланғич касабаси уюшма қўмитаси ҳам ушбу кўриқ-танловда муваффақиятли иштирок этиб «Энг яхши касабаси уюшма қўмитаси» номинациясида 2- «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил» номинациясида 3-ўринни эгаллади.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбир доирасида корхона ва ташкилотлар томонидан кўрғазма ташкил этилди.

Собиржон МУСАЕВ, «Худудга Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касабаси уюшма қўмитаси мутахассиси

Хоразм вилояти

Давра суҳбати

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ҳамкор ва мутасадди ташкилотлар иштирокида «Меҳнат муҳофазасининг ижобий маданиятини биргаликда шакллантирамиз» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

ҲАММА ГАП – МУНОСАБАТДА



Тадбирни вилоят кенгаши раиси ўринбосари Фармон Аллаберганов олиб борди. Дастлаб вилоят бандлик бош бошқармаси масъул ходими Давронбек Ярметов томонидан ишлаб чиқаришда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар таҳлил қилинди. Вилоят санитария-эпидемиология осийишталик ва жамоат саломатлиги хизматлари бошқармаси бўлими мудири Хурсанд Ҳайитов, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Хоразм ҳудудий бошқармаси инспекцияси бошлиғи Аллаберганов Алимов меҳнатни муҳофазаси қилишнинг махсус назорат органлари таркибига кирувчи саноат хавфсизлигига доир талаблар, «Ўзэнергоинспекция» Хоразм ҳудудий бўлими бош мутахассиси Фаррух Жуманиёзов электр ҳўжалигидан фойдаланишда техника қондаларига риоя қилиниши, савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят бошқармаси қошидаги бизнес мактаби директори Дилафруз Эшчанованинг чиқишлари ҳам илиқ кутиб олинди.

Давра суҳбати давомида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика танловининг вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди. Жумладан, «Энг яхши ташкилот» номинациясида Оролбўйи иختисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, «Энг яхши касабаси уюшма қўмитаси» номинациясида Урганчдаги 93-сонли мактаб-интернат бошланғич касабаси уюшма қўмитаси, «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинациясида Богот тумани 17-сонли мактаб вакили Сапарбой Машарипов, «Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинациясида эса республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали ходими Дилмурод Норметов шарафли эътирофга сазовор бўлдилар.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА, «ISHONCH»

ЯНГИ МАРРАЛАРГА РАҒБАТ

Кўриқ-танлов

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтида «Меҳнат муҳофазасининг ижобий маданиятини биргаликда шакллантирамиз» шiori остида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этишга бағишланган республика кўриқ-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ҳамкор ташкилотлар масъуллари қатнашди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, Федерациянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов бугунги кунда умуммиллий даражада ижтимоий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, ишчи ва хизматчилар манфаатлари қонун доирасида ҳимоя қилиб келинаётгани, бу касабаси уюшмаларининг жамиятда катта кучга айланганининг ёрқин ифодаси эканини алоҳида таъкидлади.

Сўзга чиққанлар ушбу танлов ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш борасида ўзаро ҳамкорлик самардорлигини янада ошириш каби мақсадларни қамраб олганини юқори баҳолашди.

Шундан сўнг кўриқ-танловнинг шаҳар босқичи ғолиблари 4 та – «Энг яхши ташкилот», «Энг яхши касабаси уюшма қўмитаси», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил», «Энг яхши ёш мутахассис» номинациялари бўйича тақдирланди.



– Меҳнат муҳофазаси инсон ҳаёти ва фаолияти билан бевосита боғлиқ, – дейди «Энг яхши ташкилот» номинацияси ғолиби УЭФА бирлашган касабаси уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев. – Бугунги тадбир нафақат соҳа эгалари, балки ҳар бир корхона ва ташкилотда ишловчи барчани янада ҳушёр, огоҳ бўлган ҳолда меҳнат қилишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга, профилактика ишларини амалга оширишга, жамоатчилик назоратини ўрнатилган хизмат қилгани билан аҳамиятлидир.

– Ташкилот ва корхоналарда меҳнат муносабатларининг тўғри йўлга қўйилишида аввало меҳнат муҳофазаси қондаларига риоя этиш, муносиб иш шaroитларини яратиш муҳим аҳамиятга эга, – дейди «Ипотека-банк» АТИБ касабаси уюшма қўмитаси раиси Шоира Юлдашева. – Кўриқ-танловнинг Тошкент шаҳар босқичида «Ипотека-банк» АТИБ ҳам ғолиблар сафидан жой олди. Бундай ишонч ва эътироф бизга келгусида меҳнат муҳофазаси борасида олиб борадиган ишларимизда янада катта масъулият юклайди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «ISHONCH»

Меҳнат муҳофазасига бағишланди

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазаси қилиш кунини муносабати билан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаларининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди. Унда тизим муассасаларидаги касабаси уюшма қўмитаси раислари, меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандислар ва масъул ходимлар иштирок этишди.

Суҳбат жараёнида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш, ўқитиш, билим ва малакаларини ошириш ҳамда синовдан ўтказиш тартиб-лари ҳақида батафсил сўз юритилди. Шунингдек, ишчи-ходимларга хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш бериш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирлари иш берувчи билан касабаси уюшмасы ҳамкорлигида жамоат шартномаларида белгиланган тартибда амалга оширилиши лозимлиги, ушбу йўналишда қабул қилинган янги ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунчалар берилди.



Раъно МАҲКАМОВА, «ISHONCH»



Андижон вилояти

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАРГА ЖАВОБ

Семинар

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмасы Андижон вилояти кенгаши томонидан «Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазаси қилиш кунини» муносабати билан «Меҳнат муҳофазаси маданиятини биргаликда шакллантирамиз» мавзусида семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Музаффар Азимхўжаев, меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича етакчи мута-

хассис Дилшодбек Қаномов ва вилоят бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат техник инспектори Ахрор Чалабоевлар соҳа доир мавзулар бўйича батафсил маълумот бердилар.

Қатнашчилар меҳнат муҳофазаси бўйича ечимини кутаётган муаммоларга тегишли жавоблар олишди.

Анваржон ҲАЛИМОВ, «ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

У ЯНА... ВА ЯНА ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Шеробод туманидаги «Ўржак-1» МФЙда истиқомат қилинган Хайрулла Маҳмудов 2018 йил 27 июлда Имом Абу Исо Мухаммад ат-Термизий ёдгорлик мажмуасида хўжалик ишлари мудири – кассир вазифасида ишга қабул қилинган.

Иш берувчи мажмуанинг бир гуруҳ хотин-қизлардан тушган аризаларни инобатга олиб, у билан тузилган меҳнат шартномасини 2021 йил 18 июндан бекор қилган. Хайрулла Маҳмудовнинг қарордан норози бўлиб йўллаган мурожаати ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. У ўз вазифасига қайти, мажбурий бекор юрган кунлари учун ойлик иш ҳақларини тўлаб бериш бош ҳисобчига юклатилди. Аммо... Иш берувчининг мажмуада ўз фаолиятини давом эттиришини хошламади. Х.Маҳмудов ишга тиклангани ҳақидаги буйруқ таништи-

рилмагач, табиийки, меҳнат муносабатларини давом эттириш мумкинлигиндан хабар топмади ҳам. Натижада, 2021 йил 12,13,14,15 июль кунлари сабасиз ишга келмаган дейилиб, меҳнат шартномаси иккинчи марта бекор қилинди.

Бу жараёнда иш берувчи бир қатор хатolikларга йўл қўйган, яъни уни бу қарор билан камида уч кун аввал харбардор қилмаган, меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин тушунтириш хати, бошланғич касаба уюшма кўмитасининг розилиги олинмаган. Наҳора, Х.Маҳмудов адолат излаб Фуқаро-

лик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига мурожаат қилди. Бу жараёнда вакил сифатида қатнашди. Судда даъво қаноатлантирилди. Х.Маҳмудов ўз вазифасига ишга қайта тикланиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарар ундирилди. Жавобгар ташкилотнинг апелляция шикоятлари рад этилди.

Шундан сўнг иш берувчи у ишлайдиган штат бирлигини қисқартириб, меҳнат шартномасини учинчи марта бекор қилган. Бу жараёнда ҳам қатор хатolikларга йўл қўйган, яъни бошқа иш билан таъминламаган, икки ойлик оғохлантириш мuddати тугамасдан меҳнат шартнома-


сини бекор қилиб, Меҳнат кодексининг 92-, 102-моддалари талабларини бузган.

Низо юзасидан даъвогар Х.Маҳмудов Фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига мурожаат қилди, бу жараёнда ҳам вакил сифатида иштирок этди.

Натижада суднинг 2022 йил 11 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилди. Жавобгар ташкилотнинг ноқонуний буйруғи бекор қилиниб, Х.Маҳмудов учинчи бор ўз вазифасига ишга тикланди, мажбурий бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарар ундирилди.

Зариф ХОЛОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқи инспектори



Хоразм вилояти

Мушоҳада

Уйингизда китоб борми, муаллим?

Хар сафар бошланғич ташкилотлар фаолияти билан таълим ва амалий ёрдам кўрсатиш учун мактабларга борганимда ўқитувчилар билан суҳбатлашаман. Улар билан меҳнат муносабатларида қонунчиликка қандай риоя этилаётгани, жамоа шартномаси талаблари қандай бажарилаётганини ҳам таҳлил қиламиз.

Кўпинча устозлардан «Мактаб марказида ким туриши керак?» деб сўрайман. Айримлар ўйлаб ҳам ўтирмай «директор» деб жавоб беришади. Бошимни «йўқ» деган маънода силкиганимдан кейин, «маънавийчи», «ўқитувчи» деган жавоблар бўлади.

Аслида, мактаб марказида ўқувчи туради. Бугун таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ўқитувчилар меҳнатининг рағбатлантирилиши, мажбурий меҳнатга барҳам берилиши, мактаблардаги бунёдкорликлар, уюштирилган танловлар, таҳлиллар... буларнинг барчаси ўқувчи камолоти, мамлакатимиз келажиги учундир. Таълим даргоҳида фаолият кўрсатувчи ҳар бир ходим, ҳар бир раҳбар бу ҳақиқатни англаб етмас экан, кутилган самарага эришиш мушкул.

Ўқитувчилар билан суҳбат жараёнида китобхонлик мавзусига ҳам тўхталдим. «Қайси газета-журналга обунга бўлгансиз, шахсий кутубхонангиз борми?», деб сўрайман. Кўпчилик уйда китоблари кўплигини айтиди. Сонини сўрасам, китоблар сони 30-40 тадан ошмайди.

Хўш, муаллимнинг уйда 40 та китоб бўлиши, бу – кўпми еки кам? Менимча, кам. Ўқитувчи ўқувчига ҳар томонлама ибрат бўлиши керак. «Китоб ўқи» деб айтиш учун ўзи яхши китобхон бўлиши зарур. Шунда муаллим ўқувчиларга қайси китобларни ўқишни тавсия қила олади. Ўқувчи билан китоб ҳақида суҳбатлашади, олган таасуротларини ўртоқлашади.

Менимча, нафақат ўқувчилар ўртасида, балки ўқитувчилар ўртасида ҳам китобхонлик танловларини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи мурожаат қилиши шарт бўлган юзта нодир асарлар рўйхати тузиш, ушбу китобларнинг арзон нархларда чоп қилиниши таъминланиши керак. Балки, ҳамма китобларни харид қилишга ўқувчининг иқтисодий имконияти етмас. Шу сабаб мактаб кутубхоналарида ўқитувчиларга мўлжалланган адабиётларни ҳам кўпайтириш, устозларнинг китобхонлик даражасини баҳолаш учун уларнинг кутубхоналардан қандай фойдаланаётгани таҳлил қилиб бориш зарур. Айниқса, синф раҳбарлари, адабиёт фани ўқитувчилари ҳар ҳафтада битта китоб ўқиб, ўқувчилар билан бирга муҳокама қилиши анъанага айлантириши лозим. Шунда ўқувчиларда китобга меҳр пайдо бўлиб, китобхонлик кўникмаси шаклланади.

Бекберган АХМЕДОВ,

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қўшқўпир тумани кенгаши раиси

Андижон вилояти

Яқинда бир йиғилишда қатнашдим. Ҳоким ёрдамчиси ва бир масъул ходим сўровномани қандай тўлдириш зарурлиги ҳақида бири қўйиб, бири олиб, салкам бир ярим соат ваъз ўқиди. Тўғри, бундай тушунтиришлар ҳам керак. Лекин одамларнинг вақтини олмаслик, асосий эътибор уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилиши фойдалироқ эмасми?

Мен ўша ҳоким ёрдамчисининг кунлик иш режаси билан қизиқдим. Айтишча, у ҳар куни 30 та хонадонга кириб, сўровнома тўлдириши шарт экан. Агар ўзи улгурмаса,

Қоғозбозлик қачон барҳам топади?

мактаб директоридан илтимос қилар ва ўқитувчилар ёрдамига таянар экан. Таажуб, унинг асосий вазифаси аҳолини ташвишга солаётган масалаларни ўрганиши ёки сўровнома тўлдириши?

Базми маҳалла фуқаролар йиғини идораларида бўлганимда уларнинг ходимлари ҳам даста-даста қоғозларни тўлдиришаётгани, тинмай телефонда гаплашишаётгани, келиб-кетувчилар билан эса истар-истамас салом-алиқ қилишаётгани гувоҳига айланаман. Аслида эса улар эшик қоқиб келган кишилар дардини тинглаб, ваколатлари доирасида ёрдам беришлари ёки жўяли йўл-йўриқ кўрсатишлари керак.

Менинг назаримда, бугунги

кунда ижро тизимида эртаю кеч сурага тушиб, альбом тайёрлаш ва қоғоз тўлдириш оддий ҳолга айланиб қолаётгандай. Айрим устамон ходимлар хонасидан чиқмай туриб, ҳисобот тайёрлашнинг ҳадисини олишган. Оқибатда ёлгон маълумот болалагандан болаётди. Энг ёмони, бундай сохтагарчилик ва қурқуқ қоғозбозликдан одамларнинг дили ранжийди ва давлат идорасига бўлган ишончи сўнади.

Биз ҳамон қоғозбозлик иллатидан халос бўлмайётганга ўхшаймиш. Ундан қутулиш учун эса ўқиш, ўрганиш, изланиш ва одамлар онгу шуурини ўзгартириш лозим. Муҳими, лавозимидан қатъи назар, ҳар бир раҳбар ёки масъул ходим халқнинг дарду ташвиш-

лари билан яшаши ва уларга малҳам бўла олиши жоиз.

Зеро, Президентимиз «Одамларни рози қилиш ва инсон қадрини тушунмаган раҳбарларга орамизда ўрин бўлмайди», дея бежиз қайта-қайта такрорламаяпти. Қачонки, мутасаддилар том маънода халқ орасига кириб борсалар ва бамастахлат иш юритсалар, аҳолининг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Натижада, кенг кўламли ислохотлар фақат сўзда эмас, амалда ҳам ижобий самараларини беради.

Анваржон ҲАЛИМОВ,
«ISHONCH»

Во ажаб!



«Қуёш болалари»га кўмак керак

Мен бир аёлни ҳар куни эрталаб юзлари қуёшчадек қулиб турадиган қизалоғини махсус мактаб-интернатга етаклаб кетаётганида кўрар эдим.

Бир куни тасодифан у билан суҳбатлашиб қолдим. Билдимки, унинг тўрт нафар фарзанди бор, уларнинг уч нафари Даун синдроми билан туғилган. Фақат тўртинчи фарзандини соғлом дунёга келган.

– Болаларим шунақа бўлса-да, қобилиятли, – дея кўзлари ёшланди опанинг. – Бири расом. Бирининг математикадан билими яхши. Ҳозир икки нафари махсус мактабни битирган, уйда ўтиради. Балки, шундай синдромли болаларнинг ҳам коллежлари ёки институтлари бўлса, фарзандларим ҳам таълим олиб, жамиятда ўрнини топармиди?..

Аёлнинг сўзлари мени ҳам ўйлантириб қўйди.

ДАУН СИНДРОМИ

Мазкур касаллик 1866 йилда британиялик шифокор Жон Даун томонидан кашф этилган. 1959 йили эса француз олими Жером Лежен синдромнинг ирсий келиб чиқишини аниқлаган.

Аслида соғлом одам туғилганида унинг организмидеги хромосомалар сони 46 та бўлиши лозим. Даун синдромида эса умумий хромосомалар сони 47 та бўлади.

Ушбу хасталик эракларда ҳам, аёлларда ҳам учрайди. Аксарият ҳолатларда нуқсонли болалар ёши 40 дан ошган оналардан туғилади. Аммо, бу тахмин. Негаки ота-оналар орасида 16, 17, 18 ёшида турмуш қурган ва биринчи фарзанди шундай синдром билан туғилганлар ҳам йўқ эмас.

Мазкур синдромли барча болаларда турли даражадаги ақлий етишмовчилик бўлади. Уларнинг бир қисми ўқиш, ёзиш ва унча мураккаб бўлмаган топшириқларни бажара олади. Қолганлари эса...

Улар бутун ҳаёти давомида ёш бола бўлиб қолишади – ҳаммиса жилмаган, кўнгилчан, ёқимтой бўлиб, битта одамга боғланиб қолишади. Даун касаллиги билан оғриган беморлар ўзига хос юз тузилишига эга. Бекорга уларни «қуёш болалари» деб аташмайди.

Синдромнинг юзага келиши ирсий ёки носоғлом турмуш тарзи билан ифодаланиши айтилади. Ушбу синдром билан туғилган болалар ҳеч қачон ичувчи ёки гиёҳванд бўлиб кетмайди. Улар ҳаммиса кимгадир ёрдам беришни истайди. Ҳайрат-шижонатли, ижтимоий ҳаётга тез мослашувчан ва киришувчан бўлади.

Улар алоҳида ёпиқ махсус мактабларда, жамиятдан бирмунча йи-

роқ шароитда тарбияланадилар. Натижада алоҳида эҳтиёжи бор болалар ҳеч қандай ижтимоий кўникмаларсиз жамиятга кириб боришга мажбур бўлишади. Ўз-ўзидан савол туғилади: жамиятдан айро ҳолда улғайиб, етарли кўникмаларни орттириш мумкинми? Бундай синдромли болалар у ёки бу вазиятдан қандай чиқади?

БОЛАЛИҚДАН ЧИҚАРИБ БЎЛАДИМИ?

Илмий тадқиқотларга кўра, бундай болалар енгил ва ўрта даражада паст диапазонда IQ(интеллект ўлчови)га эга ва бошқа болаларга қа-



раганда секинроқ гапиришади. Аммо бу улар ўқий олмайдилар дегани эмас. Таълим олишга синдромнинг таъсири одатда енгил ва ўрта даражада бўлади.

Тараққий этган давлатларда бундай синдромга эга шахслар жамиятда бошқалар қатори таълим оладилар, ишлайдилар, ўзларига тааллуқли қарорларни қабул қилишда иштирок этадилар.

Бизда эса Даун синдромли бор болалар мах-

Мулоҳаза



сус мактаб-интернатларни битириб, уйда ўтириб қолишмоқда. Чунки бундай ўсимирлар учун касб-хунар техникумлари ёки курслар, олий таълим тизимида эса махсус факультетлар йўқ. Шу сабаб ота-оналар ўзларининг пулларига хусусий таълим марказларига мурожаат қилишади. Хусусий таълим марказларида ўқитишга эса қурби етганлар бор, етмаганлар бор...

ДУНЁДА ҚАНДАЙ?

2019 йилда Америкада Даун синдромли болаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Глобал Даун синдром фонди» (ННТ)га асос солинган. Россиядаги «Даунсайд ап» хайрия фонди 1997 йилдан буён Даун синдромли инсонлар ва уларнинг оиласига психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиб келади. Буюк Британияда эса 1970 йилдан буён «Даун синдроми ассоциацияси, Ҳиндистонда 1984 йилдан бери «Down syndrom federation of India» (DSF) фаолият юритади. Канададаги «Даун синдроми жамияти»га 1987 йилда, Япониядаги «Nabato-kai» номли жамиятга 1964 йилда асос солинган.

Ўзбекистонда эса... фонд ёки нодавлат ташкилот туғул аҳолининг қанча қисми ушбу синдром билан яшаётгани ҳам маълум эмас.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Анча йиллардан бери кўп сонли Даун синдромли бўлган болаларнинг ота-оналарининг ўз-ўзига ёрдам клублари нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишга ҳаракат қилиб келишади. Ҳозирча фақат Самарқанд вилоятида «Иймон» ННТ бор. Аммо республика миқёсида расмий фаолият юритувчи бирор бир ташкилот йўқ.

Шу ўринда бир мулоҳаза юзага келади: уларга аниқ ва манзилли кўмак бериш учун дастлаб мазкур синдромга чалинган болаларнинг сонини аниқлаш керак.

Табийий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар бу муаммони ечиш учун ҳамжиҳат бўлишлари, теваригимиздаги бундай инсонларни қўллаб-қувватлашлари зарур.

Даун синдромли бўлган болаларга сифатли ва инклюзив таълим берилса ва керакли ижтимоий кўникмалар, имкониятлар яратилса, улар ҳам барча қатори ишлаб, мустақил бўлишлари мумкин, балки...

Сиз нима дейсиз?

Шахло АБДУРАҲМОнова,
«ISHONCH»



Орадан неча юз йиллар ўтиб, қадим Мовароуннахр Парвардигорнинг раҳмати ва марҳамати ила устоз Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфдек шахсни камолга етказиб, ислом оламига танитди. Буюк муҳаддис ва фақиҳларнинг маънавий меросини ўз илмий салоҳияти билан янада бойитган муҳтарам устозимиз бугун орамизда бўлмаса-да, ёзган асарлари, ҳаёт йўли биз ва келажак авлод учун нурли бир чироқдир. Шу боис бугун у кишининг ибратли ҳаётига бир назар ташлашни лозим топдик.

Устоз билан илк танишувим ўтган асрнинг 80-йилларида тўғри келди. Ўша кезлар, биринчидан, афгон уруши авжига чиққан, Амударёнинг нариги томонидан ҳар куни ўнлаб норғул йигитларнинг тобути Ўзбекистонга юборилаётган эди. Иккинчидан, мустабид тузум маънавий қашшоқликка маҳкум этган халқимизнинг ҳаёти орта торталаётган, жамиятда ҳалол-ҳаром аралашиб кетган, одамларнинг турмуш тарзи деярли бир хил қолипга солинган, буюк алломаларимизнинг тарихий мероси, миллий ва диний қадриятларимиз унутилган эди. Айнан ўша даврда мусулмон фарзандларининг шаръий никоҳини ҳамда вафот этган миллатдош ва диндошларимизнинг жаноза намозини ўқиш ҳам расман таъқиқланган эди. Барча диний маросимларга эскилик сарқити, муборак Рамазон ойига бидъат ва хурофот, саломатлик душмани деб қаралар, рўза тутишга фақат қалбида иймон-этиқоди бор айрим кексаларгина журъат этишарди. Таълим даргоҳларида, давлат муассасалари ва корхоналарида рўза тутган ходим аниқланса, жазога тортиларди. Миллатни бу даражадаги маънавий қашшоқликдан халос қилишга интилаган зиёлилар ва илм-фан аҳли халқ душманига чиқариларди. Утмишда илм-фан тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган алломаларнинг муқаддас Ватани ана шундай оёқости қилинган эди.

Яратганининг инояти билан қонхурлик ва босқинчиликка асосланган шўро тузumi аста-секин дарз кета бошлади. Тошкент ислом олий маҳадига ректорлик қилаётган Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 1989 йили бўлган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг 4-курултойида мазкур диний идора раҳбари этиб сайланди. У киши янги вазифасини бажаришга киришаркан, энг аввало, халқ ҳаётидаги маънавий бўшлиқни тўлдиришга эътибор қаратди. Чунки одамлардаги диний илмсизлик туфайли жамиятда бидъат ва хурофотлар кўпайган, қай тарафга қараманг, худосизлик тарғиботига дуч келардингиз. Шунинг учун ҳам биринчи гада одамларга ўзлари эътиқод қўйган муқаддас ислом дини ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот етказиш зарур эди. Фақат шу йўл билангина диний саводсизликка барҳам бериш, кишилар қалбида иймон нуруни жонлантириш мумкин эди.

Аммо собиқ иттифоқ ҳудуди ва яқин хориздаги мусулмонлар учун ягона диний билим юрти саналган Бухородаги Мир Араб мадрасаси (ўрта-максум) ва Тошкент олий ислом маҳадидида тайёрланаётган диний ходимлар билан бу шарафли вазифани удралаш кийин эди. Чунки улар ишга юборилаётган масжидлар сони бешала республикада ҳам бармоқ билан санарли бўлиб, имомларнинг дин, иймон-этиқод ҳақидаги ваъз-насиҳатларини у ерда келувчи 50-60 чоғли кексалардан бошқа ҳеч ким эшитмасди. Бу собиқ шўро тузуми томонидан буюк бир миллатни маънавий қашшоқлик исканжасида ушлаб туришнинг ўзига хос усулларидан бири ҳисобланарди.

Ичунини, муфтий ҳазратлари мавжуд диний ўқув муассасаларидаги таълим бериш жараёнидаги тубдан ислоҳ қилиш баробарида мамлакатдаги барча матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам тўлиқ фойдаланишни лозим топди.

Мен ўша пайтлар республика радиоси Ахборот бош муҳарририятининг «Оқшом тўлқинлари»да кечки хабарлар дастури бошловчиси эдим. Кўпдан буюн ҳаёлимда пишийтиб юрган режамни устозга айтдим. У киши бағоят хурсанд бўлди ва бу ишни бугуноқ бошлаш кераклигини таъкидлади. Эрталаб телефон орқали қилинган маслаҳатимиз кечга бориб гўзал бир суҳбат тарзида эфирга узатилди. Эртаси куни раҳбариятдан миннатдорчилик эшитдим. Буни туркум суҳбатларга айлантириш

Мен ўша пайтлар республика радиоси Ахборот бош муҳарририятининг «Оқшом тўлқинлари»да кечки хабарлар дастури бошловчиси эдим. Кўпдан буюн ҳаёлимда пишийтиб юрган режамни устозга айтдим. У киши бағоят хурсанд бўлди ва бу ишни бугуноқ бошлаш кераклигини таъкидлади. Эрталаб телефон орқали қилинган маслаҳатимиз кечга бориб гўзал бир суҳбат тарзида эфирга узатилди. Эртаси куни раҳбариятдан миннатдорчилик эшитдим. Буни туркум суҳбатларга айлантириш



Фазилатли шайх

Оламлар Роббиси Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Исломи эзгулик ва илм-маърифат тарқатиш дини сифатида танланган. Шу боис у ер юзига туширилганидан буюн инсоният орасидан танланган пайғамбарлар орқали кишилик жамиятига одобу ахлоқ, яхшилик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни ўлашиб келди. Ушбу дин таълимотига қатъият билан ёндашилган даврларда диёримиздан имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, имом Доримий, Абу Лайс Самарқандий, имом Замахшарий, имом Мотуридий сингари буюк фақиҳлар, муҳаддислар, калом илми билимдонлари етишиб чиқди. Уларнинг илмий-маърифий мероси бугун ҳам ер юзи мусулмонларига ўз нуруни таратиб келмоқда. Чунки бу алломалар тафсир, ҳадис, фиқҳ каби таълим йўналишларига асос солишти, ушбу илм-маърифатдан баҳраманд бўлган минглаб шогирдлар етиштирдилар.

керак, деган тақлиф ҳам олдим. Орадан бир неча кун ўтиб, Россиянинг Свердлов вилоятида яшаётган ўзбеклардан диний-маърифий суҳбатларни давом эттириш сўралган мактуб келди. Мен улар билан юзма-юз суҳбатлашиш ниятида хизмат сафарига отландим. Ўша ерлик ватандошларимизнинг муқаддас динимиз ва миллий қадриятларимиз кўрсатмаларига чанқоқ қалбларидан отилиб чиққан дил сўзлари жонли эфирга узатилди. Шу кундан эътиборан муфтий ҳазратлари студиямизнинг доимий меҳмонига айланиб, диний-маърифий суҳбатлар муаллифи сифатида жуда катта ижтимоий ғоя ва лойиҳаларни амалга оширди. Бундан ташқари, у кишининг таъясиси билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталик газетасида «Жума ўғитлари» рукни очилди. «Спорт» газетасидаги туркум мақолаларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи диний таълимотлар ёритиб борилади. Бошқа газета-журналлар тахририятлари ҳам устоз билан яқин алоқа ўрнатиб, халқни қийнаб келаятган ижтимоий масалалар, аёлларнинг ҳақ-хуқуқлари, оилада ва бола тарбиясида тутган ўрни, мусулмон кишининг одоб-ахлоқи, маданияти, кийиниши, иймон-этиқоди каби масалаларга ечим топишга беқиёс ҳисса қўшди.

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфдаги халқ таълимоти билан яқин алоқа ўрнатиб, халқни қийнаб келаятган ижтимоий масалалар, аёлларнинг ҳақ-хуқуқлари, оилада ва бола тарбиясида тутган ўрни, мусулмон кишининг одоб-ахлоқи, маданияти, кийиниши, иймон-этиқоди каби масалаларга ечим топишга беқиёс ҳисса қўшди.

Юсуфдаги халқ таълимоти билан яқин алоқа ўрнатиб, халқни қийнаб келаятган ижтимоий масалалар, аёлларнинг ҳақ-хуқуқлари, оилада ва бола тарбиясида тутган ўрни, мусулмон кишининг одоб-ахлоқи, маданияти, кийиниши, иймон-этиқоди каби масалаларга ечим топишга беқиёс ҳисса қўшди.

сасининг биратўла 5-босқичига қабул қилинди. Ўқишни 3 йилда муваффақиятли тамомлаган, имом Бухорий номидаги Тошкент олий ислом маҳадиси (институтининг) 3-босқичида таҳсил ола бошлади. Барча фанларни мукамал ўзлаштиргани учун бу институтни ҳам 2 йилда аъло баҳоларга битирди. Навқирон йигитдаги юксак билим ва иқтидорни, араб тилида мукамал сўзлашиш маҳоратини кўрган диний идора раҳбарияти уни Тошкентда олиб қилишни лозим топиб, 1975 йили «Совет шарқи мусулмонлари» журнаliga ишга қабул қилди. Бир йилдан сўнг йўлланма билан Ливиянинг Триполи шаҳридаги нуфузли Исломиий даъват факультети номли дорилфунунга ўқишга юборди. Ўз даврининг забардаст олимларидан сабоқ олган Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ушбу таълим даргоҳининг 1980 йилги битирувчилари орасида энг юқори бал тўплади.

Устоз 1989 йилги сайловда СССР Олий Кенгаши халқ депутатлигига сайланди. Диний масалалар жилови ҳаваси билан Москвадаги қўлида бўлгани туфайли у СССР Президенти Михаил Горбачёв қабулига кириб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари муборак ҳаж сафарига юбориш учун квота олишга эришди. Келаси йили минтақа давлатлари тарихида илк бор 500 нафардан зиёд киши Тошкентдан Маккаи мукаррамага жўнаб кетди. Кейинги сафар уларнинг сони 2 минг нафардан ошди, уч йил давомида эса 5 минг нафарга етди.

1992 йилги ҳаж мавсумида ўнлаб таълим шойир, адиб, санъаткор, рассом ва олимларнинг муборак сафарга бориши ташкиллаштирилди. Мен ҳам Арофатда устоз билан ёнма-ён туриб, Парвардигорга дуою илтижолар қилиш бахтига муяссар бўлдим. Шайх ҳазратлари илм-фан аҳлини ниҳоятда эъозларди. Хузурига келган турли соҳа вакилларига бир хилда илтифот кўрсатар, бировини бошқасидан устун қўймади. Ўзи тақлиф қилинган йўл ва маросимларга 10-15 дақиқа олдин етиб борарди. Даврадаги вазиятни бир зумда англаб етар, суҳбат мазмунини шунга мослаштиради, саволларга аниқ-ўндо жавоб беради. Соф исломий ақиқани тўғри англаб етиш ўтган асрнинг 80-йиллари охирида мамлакатимизда содир бўлаётган турли сиёсий ўйинларга чек қўйишда муҳим аҳамият касб этди. Фарғона водийси-

даги сиёсий гуруҳбозлик ва жанжалларни, Паркент ва Бўка воқеаларини тинч йўл билан ҳал этишда муфтий лавозимида ишлаётган Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф катта жасорат ва жонбозлик кўрсатди.

У киши Тошкент Ислам олий маҳадига ректорлик қилган пайтларида Куръон илмлари, ҳадис илмлари, фирқалар ва йўналишлар ҳақидаги, нотўғри ҳақидаги фанларни ўқув дастурига киритишганди. Муфтийлик лавозимида ишлаганида, диний таълим даргоҳлари ва масжидларнинг моддий-техник таъминотини яхшилашга бел боғлади. Ушбу идора ходимларининг ойлик маошини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, масжид ва мадрасаларга юқори савияли, билимдон мударрисларни жалб қилишда ўз билим ва салоҳиятидан унумли фойдаланди. Ўша даврдаги давлат раҳбарияти билан олиб борилган музокаралар натижасида илмга чанқоқ ёшлар Саудия Арабистони, Сурия, Мисрдаги нуфузли таълим даргоҳларига ўқишга юборилди.

Ҳазрат масжид ва мадрасаларнинг моддий таъминотини яхшилаш учун худудларда вақф ери олиб, турли маҳалларни етиштириш орқали диний идоранинг моддий эҳтиёжини қоплаш ғоясини илгари сурди. Натичада диний идорага муайян вақф ерлари ажратилди, иссиқхоналар қурилиб, фойда келтира бошларди.

Устоз 1989-1993 йилларида диний идорага раҳбарлик қилишдан ташқари, эндигина мустақилликка эришган мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшди. Бир неча хоржий давлатлар қилиш бахтига муяссар бўлган эҳтиромидан Ватан манфаати йўлида фойдаланди. Шунинг самараси ўларок, 1992 йил бошида Ливиядаги Бутун олам Ислам даъвати жамияти бош қотиби, доктор Муҳаммад Аҳмад бошчилигидаги делегация ташрифи чоғи ушбу давлат билан Ўрта Осиё республикаларида фан, таълим ва маданиятни юксалтириш, Орёлбўйи ва бошқа худудларда чўлларни ўзлаштириш, ер ости табиий бойликларини қидириб топиш ҳамда санаятчи ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди. Худди ўша йили Саудия Арабистонидаги «Хенел Индастриз» ЛТД конкурсими ижрочи

Хотира

директори шайх Халид Аҳмад Али Ризо билан бўлган учрашувда имом ал-Бухорий ҳазратлари абадий кўним тоғлан Самарқанд вилоятининг Хартанг қишлоғида Ислам маркази қуриш тақлифи ўртага ташланди. Ҳазратнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда Қувайт халқари Ислам хайрия жамғармаси бўлими очилиб, мамлакатимиз ва кўшни давлатлар аҳолисининг турмуш маданиятини юксалтириш борасида кенг миқёсда ижтимоий лойиҳалар амалга оширилди.

Шайх ҳазратлари тақдир тақозиси билан 1993-2001 йилларида дастлаб Саудия Арабистонида, сўнгра Ливияда яшади. Ўша даврда «Тафсири ҳилол», «Ҳадис ва ҳаёт» асарларини ёзди. 2001 йили Ўзбекистонга қайтган, илмий фаолиятини қизгин давом эттирди. «Ислам тарихи», «Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам», «Одоблар хазинаси», «Усулул фиқҳ», «Кифоя», «Бахтиёр оила», «Соғлом бола», «Ижтимоий одоблар», «Олтин силсила» туркумидаги китоблар, «Зухд ва ҳаё» сингари 100 дан зиёд асарлар ёзди. Улар бугунга қадар рус, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур тилларига таржима қилинган.

У кишининг бош мақсади одамлар орасида исломий маърифатни ёйиш эди. Бу илм-маърифат миллат ва элат танламагани учун бутун дунё аҳлида катта қизиқиш уйғотди ва илиқ қарши олинди. Шайх ҳазратлари миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ўзаро биродарликка даъват этувчи асарлари билан Исламга хайрихоҳ барча давлатларда доврўғ қозонди.

Алқисса, дунё олимлари томонидан «Фазилатли шайх» дея тан олинди. Ислам дини таълимоти йўлидаги фидокорона хизматлари эвазига Россия, Ливия, Миср Араб Республикаси каби мамлакатларнинг орден-медаллари билан таъдирланди. Маккаи мукаррамадаги Ислам олами робитаси таъсис мажлиси, Бутунжаҳон тасаввуф уюшмаси, Бутунжаҳон мусулмон уламолар халқари уюшмаси, Бутундунё Ислам уюшмаси, Бутундунё мутафаккир уламолари йўғини ижроия кўмитаси, Иорданиядаги Олий Байт «Исламий тафаккур» қиролик академияси сингари ўнлаб нуфузли халқари ташкилотлар аъзолигига қабул қилинди.

Шайх ҳазратлари ҳар йили муборак Рамазон ойи кириши билан «Рўхий тарбия» номли туркум суҳбатларни бошлаб юборарди. У тақлиф қилинган масжидларга жуда кўп киши йиғиларди. Барча унинг суҳбатларидан юксак маънавий озуқа олар, баъзилари узок йиллар ўзини қийнаб келган саволларга ва турмушдаги ижтимоий муаммоларга ечим топарди.

«Рўхий тарбия» суҳбатини тинглаш учун турли вилоятлардан Тошкентга ошиқаятган одамлар сони кун сайин ортиб боришининг сабабларидан яна бири шайх ҳазратларининг ўзигагина хос бўлган, Аллоҳ таоло тарафидан у кишига инъом этилган ноёб фазилати эди. Имом ал-Бухорий Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган бир ҳадисда бундай дейилади: Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Агар Аллоҳ бир бандани яхши қўриб қолса, Жаброилга: «Аллоҳ фалончине яхши қўради, сен ҳам уни яхши қўр», дейди. Жаброил ҳам уни яхши қўради. Жаброил осмон аҳли орасида: «Аллоҳ фалончине яхши қўради, сизлар ҳам уни яхши қўринглар» деб, ниҳо қилади. Шунда осмон аҳли ҳам у бандани яхши қўриб қолишади. Кейин ер юзидеги ҳамма одамлар у банданинг сўзини қабул қиладиган бўлиб қолади».

Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васалламининг бу ишоралари шайх ҳазратларининг ҳаёти мазмунига айланиб бўлган эди. Шу боис устоз Аллоҳ таоланинг севгисига эришиш учун ўзига душманлари томонидан қилинган тажовузу тухматларга сабр-матонат билан жавоб қайтариб келди. Жамиятга фақат эзгулик уруғини сочди. Мамлакатимизга хоржий давлатлардан суқилиб кирган, динимизга ёт бўлган турли хил ғоялар, ақидалар, оқимлар, фирқаларни соф исломий таълимот асосида батамом бартараф этишда беқиёс хизмат кўрсатди.

Афсуски, шайх ҳазратлари бугун орамизда йўқ. Аммо Аллоҳга ҳамду санола булсинки, ҳар бир оилада, миллионлаб кишилар қўлида шайх ҳазратлари бугунги ва келажак авлод учун тасниф этган бебаҳо хазина – китоблар бор. Ишончимиз комилки, улар бутун мусулмон умматини тўғри йўлга солиб турган имом ал-Бухорий ва у кишининг сафдошлари қолдирган маънавий хазиналар қаторидан муносиб ўрин олади ва асрлар оша келажак авлодлар қалбини илм-маърифат нури билан ёритиб туради.

Шодиёр МУТАҲҲАРХОН ўғли

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(тахрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Маъсул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Маъсул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқари ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўғги англиқлар, таҳлил, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишнинг мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Нижнаҳ вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-28
Сардарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаси назаридан фарқланмиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
З. Рижиев

Мусаҳҳиф:
Д. Худойбергенова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **00:30**
Топширилди – **00:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бююртма **V- 5135** 34351 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоиси келишишган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-й.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-й.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СНИК: 201133889,
ОКЭД: 58130